

## ДИДАКТИК ҚАДРИЯТЛАР МАЗМУНИ ВА ПЕДАГОГИК АҲАМИЯТИ

Н.Жалилова

ЎзПФИТИ таянч докторант

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7338184>

**Аннотация.** Мақолада энг қадимги даврлар ҳамда илк уйғониши даврида Ўзбекистон заминидаги амал қилган дидактик қадриятлар мазмунни ва улардан замонавий таълим жараёнида фойдаланишининг педагогик аҳамияти ёритилган.

**Калим сўзлар:** тарихий-ретро қадриятлар, таълим мазмуни, таълим шакл-усул ва воситалари, комил инсон, илми ал-йакинийа, энг қадимги давр, илк уйғониши даври педагоглар, исломий дидактик қадриятлар.

## СОДЕРЖАНИЕ И ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ДИДАКТИЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ

**Аннотация.** В статье освещается содержание дидактических ценностей, практиковавшихся на территории Узбекистана в древнейшие времена и в период раннего Возрождения, и педагогическое значение их использования в современном образовательном процессе.

**Ключевые слова:** историко-ретро-ценности, содержание образования, формы и средства образования, совершенный человек, илми аль-якиниyya, древнейший период, педагоги раннего Возрождения, исламские дидактические ценности.

## THE CONTENT AND PEDAGOGICAL SIGNIFICANCE OF DIDACTIC VALUES

**Abstract.** The article highlights the content of didactic values practiced on the territory of Uzbekistan in ancient times and during the early Renaissance, and the pedagogical significance of their use in the modern educational process.

**Keywords:** historical-retro-values, content of education, forms and means of education, perfect man, ilmi al-yakiniyya, ancient period, teachers of the early Renaissance, Islamic didactic values.

Тарихчи олимларимиздан Бўрибой Аҳмедов тарихий қадриятларни ўрганишнинг муракқаблигини уқтириб: "...биз юртимиз ва аждодларимиз тарихини яхши билмаймиз. Чунки биз уни яхши ўрганмадик. Тўғриси, кўхна юртимиз устидан 135 йил ҳукм юргизиб келган мустамлакачилар бунга йўл беришмади", - деб ёзган эди. Бу бевосита Шарқ дидактика тарихини, ўтмишда қўлланилган таълим-тарбия усул ва шаклларини ўрганишга жумладан, тарихий-ретро дидактик қадриятларга оид билимларимизга ҳам бевосита тааллуқли. Яъни, тарихий-ретро дидактик қадриятлар борасидаги тушунчаларимиз анча саёз. Уларни ўрганишга қаратилган тадқиқот ишларини амалга оширишга жуда катта эҳтиёж мавжуд. Ўтмишда шундай таълим шакл ва усувлари қўлланилганки, уларни янги шароитга татбиқ этиш таълим жараёнини мислсиз бойитишга хизмат қиласди. Биргина мисол: 1644 йилда Франция бош вазири кардинал Мазинининг буюртмасига кўра, Франция шаҳзодаси, бўлажак Людовик XIV учун географиядан янгича ўқув қўлланма – ўйин карталари типидаги қизиқарли дидактик материаллар тайёрланган эди. Ҳар бир картада бирор мамлакатнинг мажозий тасвирини акс эттирас эди (картадаги расмларни таниқли рассом Стефано делла Белла ишлаган). Ушбу мажозий расмларга қисқача тавсифнома ҳам ёзилган бўлиб, қўлланма бор-йўғи 48 бетдан иборат бўлсада, унда Европа, Осиё, Африка, Америка кабилартасвирланган. Кейинчалик Англия, Германия,

Голландия, Россияда ҳам зодагонларнинг болаларига таълим беришда шунга ўхшаш ёки унинг айнан нусхасидан фойдаланилган. Айнан шу ўқув қўлланма дидактик қадрият даражасига етган ва таълим амалиётида ундан бир неча йиллаб фойдаланилган. Қўлланманинг яратилиши ўзига хос кашфиёт, дидактик вазифаларни ҳал этишнинг ҳозир ҳам ўрнак олса арзигулик ечими деб эътироф этилган.

“Қадриятшунослик тарихининг асл дурдоналари нафақат Фарбдан, балки Шарқдан ҳам ҳам қидирилмоғи, ... юртимиз цивилизатсиесининг улкан ҳиссаси жаҳон маданиятининг энг бой ютуқлари сифатида муқаррар суръатда эътироф этилмоғи лозим”. Олима Ш.Тайланова таъкидлаб қўрсатган ушбу фикрларга қўшилган ҳолда, биз ҳам мавжуд дидактик қадриятларни танқидий-ретроспектив асосда ўрганишга ҳаракат қилдик. Чунки таълим тараққиёти ўз-ўзидан амалга ошмайди, таълимни ривожлантириш учун унга оид тарихий тажрибаларни ўзлаштириш зарур.

Дидактик қадриятлар таълим-тарбия юзага келган энг қадимги давларданоқ мавжуд. Педагог олимлар қадриятларнинг таълим олувчига маънавий-ахлоқий, моддий таъсир қўрсатувчи, ишонч, эътиқод, эффектив, когнитив ва аффектив компонентлар бирлиги сифатида унинг маънавий-ахлоқий, мағкуравий, интеллектуал дунёқарашини белгилаб берувчи ҳодиса сифатида эътироф этадилар.

Дидактик қадриятлар – таълимга хос тушунча сифатида энг қадимги давларданоқ мавжуд бўлиб, тизим—тузилма —тархийлик—замонавийлик категориялари тавсифига эга, унинг асосий хусусияти таълим субъектлари томонидан қадрланиши ва таълим сифатини таъминлай олишидир.

Шарқда таълим-тарбиянинг мақсади баркамол шахсни шакллантириш ғоясига қаратилган бўлиб, унинг илмий-назарий асослари Қуръони карим, ҳадиси шариф, шарқона таълимот, жадид педагогикасида ўз ифодасини топди.

Энг қадимги ёзма ёдгорликларимиздан “Авесто”нинг асосий мазмун–моҳиятини эзгуликни улуғлаш, инсон шахсининг камолотини таъминлаш учун кураш ғояси белгилайди. “Авесто” яратилган даврда ёшларга ижтимоий билимлар, математика, астрономия, табиатшунослик, табиатни асраб-авайлаш, табобат илми, шеърият ва нотиқлик санъати, шахсий гигиена, турмуш гигиенаси кабилар ўргатилган. Билимдонлик даражасини аниқлаш учун баҳс-мунозарадан фойдаланилган. Илоҳий билимлар савол-жавоб методи асосида тушунтириб изоҳланган. Ҳ.Хомидовнинг таъкидлашича, “таълимни амалиёт билан боғланиб олиб борилишига аждодларимиз жиддий эътибор беришган. Оташкадалар қошидаги устахоналар, вақф ерлари, дармонгоҳ (поликлиника), сиҳатгоҳ (касалхона), дорихоналар айни пайтда амалиёт ўтказиладиган корхоналар вазифасини ўтаган”. Табиб, жарроҳлар уч марта амалиётда билимини синовдан ўтказмай беморларга қарашга ҳаққи бўлмаган. Қизлар 15, ўғил болалар 17 ёшда лагамзадан ва занзадан имтиҳонларидан ўтишган. Имтиҳондан сўнг улар балоғатга етган ҳисобланиб, қизлар кадбону (уй бекаси), ўғил болалар кад худо (уй хожаси) рутбасига эришган.

V-VI асрларда Ўрхун-Энасой битиклари очиқ майдонда, тоғ-тошларга битилган. Демак, туркий тил ва ёзув ёшларга болалиқдан ўқитишга қаратилган ўзига хос таълим тизими мавжуд бўлган. Таълимнинг бош мақсади болаларда қабиланинг устувор тамойиллари ва қабиладошларини эъзозлаш, ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашдан иборат бўлиб, таълимнинг асосини диний қадриятлар мазмунини ўргатиш ташкил этган/

Илк уйғониш даври (IX-XII асрлар)да мерос тақсим қилиш, ер ўлчаш, канал ўтказиш каби табиий талаблар негизида математика, геометрияга оид амалий билимлар ёшларга ўргатилган. Хусусан, Хоразмда амалий-математик билимларга иқтидори бор ёшлар астрономик кузатишлиар, натижаларни қайд этиш ҳамда умумий хulosалар чиқаришга ўргатилган. Шу даврдан бошлаб Абу Абдулла Мұхаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783-850)нинг “Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобала” (Алжабр ва алмуқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб” рисоласи асрлар оша нафақат Шарқ, балки Фарбда ҳам математика ва геометрияга оид амалий билимларни ёшларга ўргатувчи асосий дарслер вазифасини бажарған.

Аниқ билимлар билан бирга, ҳуқуқий билимлар ҳам кучли нуфузга эга бўлиб, таълимнинг мақсади ва вазифлари ҳақида илмий-назарий хulosалар ишлаб чиқилган. Ал-муаллим ас-соний Абу Наср Форобий (873-950) “Фозил одамлар шахри” асарида мактаб ва мадарасаларда ёшларга ҳуқуқий билимларни ўргатиш ва ёшларни фуқаролик руҳида тарбиялаш ғоясини илгари суриш билан бирга, Арасту асарларига ёзган шарҳлари (“Фалсафату Арастутолис” (Арасту фалсафаси) китоби)да дидактиканинг мақсади ва предмети борасида жиддий мулоҳазаларини илгари суради: “Илм ал-йақинийа (илмнинг салмоқ жиҳатидан қанча эканлиги, қандай хиллари борлиги, қандай мавзуларни ўрганиши кабилар)ни ўрганишнинг қандай шакллари бор, унга ўқитадиганлар бу шаклларнинг қайси биридан фойдаланадилар, ҳақиқий , ишончлиликнинг қайси даража ва туркумлари ишлатилади, эътиқод, ишонтиришнинг ҳамда тасаввурнинг шаклларидан ўқитиш давомида фойдаланиладими? Илми ал-йақинийани ўрганиш ва уни идрок этиш қобилиятини баҳш этувчи санъат қандай, у нималардан иборат, бу санъатларнинг қанча турлари бор, уларнинг ҳар бири ўзи қандай? Ўрганишнинг бошқа ҳамма турлари бўйича қобилият берувчи санъат нималардан иборат?”. Демак, Форобий билимларни ўқитиш (дидактика)ни ўзига хос санъат деб билган. Мотивация, ишонтириш каби таълим усуллари, таълим мазмуни ҳамда таълим психологияси, ўқувчи қобилиятларини шакллантиришда таълимнинг ўрни ва аҳамиятига эътибор қаратган. Алломанинг фикрича, “Амалий фазилатлар ва амалий санъат (касб-хунар)лар ва уларни бажаришга одатланиш масаласига келганда, бу одатда икки йўл билан ҳосил қилинади: булардан биринчиси – қаноатбаҳш сўзлар, чорловчи, илҳомлантирувчи сўзлар ёрдамида ҳосил қилинади”.

Шарқ кишисининг дунёқарашига кучли таъсир кўрсатган ислом маърифатини ёшларга сингдиришда ҳам ўзига хос дидактик қадриятлардан фойдаланилган. Хусусан, Қуyonи каримни ўқитиш ва ўргатиш жараённада савол-жавоб, сұхбат, мунозара методларидан фойдаланилган. Қуръони каримнинг илк ояти “Ўқи” сўзи билан бошланади. Бу билан Қуръон инсониятни илм олишга ундейди, жаҳолатда қолмасликка чакиради. Мұхаммад алайҳиссаломнинг “Ё олим бўл, ё илм ўрганувчи, ё тингловчи, ё илмни севувчи! Бешинчиси бўлма – маҳв бўласан!”, “Жаҳолатдан ачинарлироқ қашшоқлик йўқ” каби ҳадислари ҳам эътиборга лойиқdir. Ушбу исломий ўгитлар Марказий Осиёда кўплаб олимларнинг етишиб чиқишига сабаб бўлган.

“Ҳужжат ул -ислом” номи билан тарихда қолган, “Мукошафат-ул қулуб” (Қалблар қашфиёти), “Тавба китоби”, “Иҳйо улумид-дин”(“Дин илмларини жонлантириш”) каби таълим-тарбияга бағишлиланган асарлар муаллифи, мударрис ва воиз Имом **Мұхаммад ибн Мұхаммад ибн Аҳмад Абу Ҳомид ат-Тусий ал-Ғаззолий (XII аср)** ғоялари тасаввуф таълимотига хос руҳий-акселогик, акмеологик йўналишларга таяниб,

маърифат тафаккурни вужудга келтирувчи илк асос, тасаввурнинг тафаккур даражасига ўсиб ўтиши учун билимларни ёдлаш (тазаккур) зарур деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга хулоса қилиб, таъкидлаш жоизки, дидактик қадриятларни ўрганиш Ўзбекистонда дидактиканинг шаклланиши ва ривожланишини ўрганишда, бўлажак ўқитувчиларда таълимнинг шарқона методлари ҳақида билимларни таркиб топтиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

## REFERENCES

1. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. - Т.: Шарқ, 2001. – 384 б.
2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Таржимонлар Абдусодик Ирисов, Маҳкам Махмудов, Урфон Отажон. Масъул муҳаррирлар М.Хайруллаев, М.Жакбаров. – Т.: Янги аср авлоди, 2016. – 320 б.
3. Д. Юлдашева. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида таълим мақсадини белгилашнинг дидактик асослари. Пед. фан. номзоди ил. Даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Бухоро, 2007.- 153 б.
4. Ш.Тайланова. Педагогика олий таълим муассалари талабаларида қадриятлар тизимини ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш. 13.00.01.- Педагогика фанлари бўйича фалсафа док-ри (ПхД) илм. д-жаси ... дисс. – Т.: 2019.
5. Абу Ҳомид Газзолий. Мукошафат-ул қулуб 2-китоб. (Қалблар кашфиёти) – Т.: “Минҳож” нашриёти, 2004. – 336 б.
6. Бўрибой Аҳмедов. Тарихдан сабоқлар. - Т.: Ўқитувчи, 1994.- 430 б. – 3-б.
7. Ҳ.Ҳомидов. “Авесто”файзлари. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2001.- 95 б.- 43-44-б.
8. Ҳ. Ҳомидов. “Авесто”да зардуштийликларнинг таълим тизими ҳақида // Тил ва адабиёт таълими. 2000., № 5.- 68-73-бетлар.- 68-69-б.
9. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Таржимонлар Абдусодик Ирисов, Маҳкам Махмудов, Урфон Отажон. Масъул муҳаррирлар М.Хайруллаев, М.Жакбаров. – Т.: Янги аср авлоди, 2016. – 320 б. – 82-б.